O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2025 yil «28» апрель №ПҚ–151

## “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини такомиллаштириш орқали саноатнинг муҳим тармоқларида илғор илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий ва инновацион ёндашув асосида саноат маҳсулотлари экспорти ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жараёнларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадида **қарор қиламан**:

### I. Асосий мақсадлар

**1.** Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) энг иқтидорли ёшлар ва юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчиларнинг илмий мактабларини шакллантириш;

(б) илмий ва инновацион ёндашув асосида саноатда экспорт ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, таннархни пасайтиришга қаратилган илмий лойиҳаларни амалга ошириш;

(в) дунё миқёсидаги илмий лабораторияларни ташкил этиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш;

(г) халқаро стандартлар ва илғор тажриба асосида тиббиёт соҳасида таълим, амалиёт ҳамда илмий тадқиқот фаолияти уйғунлигини таъминлаш, соҳа учун рақобатбардош ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш.

### II. “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини такомиллаштириш

**2.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

(а) “Янги Ўзбекистон” университетининг (кейинги ўринларда – Университет) замонавий илмий лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда **муҳандислик-техник, сунъий интеллект, нанотехнологиялар, “яшил” иқтисодиёт ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларни кенгайтириш** ва уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш;

(б) барча ресурслар, шу жумладан, интеллектуал ва молиявий имкониятларни бирлаштириш орқали илғор тажриба асосида Университетда мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётидаги устувор соҳаларда юксак билимга эга **кадрлар тайёрлаш** ва юқори самарадорликка асосланган **илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш**;

(в) апробация жараёнидан ўтиб, татбиқ этилган замонавий таълим технологиялари ва олий таълим ташкилотини бошқариш тизимларини республиканинг бошқа олий таълим ташкилотларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида Университет ҳузурида юридик шахс ҳисобланган **Илғор билим ва тажрибалар трансфери марказини** ташкил этиш.

**3.** “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини стратегик ривожлантириш кенгаши (кейинги ўринларда – Ривожлантириш кенгаши) **1-иловага** мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Университетни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва мақсадларини белгилаш, унинг фаолияти халқаро стандартларга мослигини таъминлаш Ривожлантириш кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади.

**4.** Белгилаб қўйилсинки:

(а) Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

(i) илмий унвонлар ва илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш, уларнинг таркибини тасдиқлаш;

(ii) тегишли ихтисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни бериш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

(б) **2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб Университетнинг магистратура мутахассисликлари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 июндаги 300-сон қарори билан

таълимнинг бакалавриат босқичига жорий қилинган давлат грантини ажратиш тартиби жорий этилади;

(в) **2027 йил 1 декабрга қадар** Университет учун олиб келинадиган ва муқобили Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган қурилма, дастурий ва техник воситалар, бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

**5.** “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини стратегик ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

## III. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишнинг янги механизмларини жорий этиш

**6.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Университетда техника ва тиббиёт соҳаларидаги **илмий-тадқиқот лойиҳаларини грант асосида молиялаштиришнинг янги механизми** жорий этилади. Бунда:

(а) илмий-тадқиқот лойиҳасини бир йиллик молиялаштириш қиймати **базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 500 баробаридан юқори бўлган** ҳолларда ушбу лойиҳани молиялаштириш халқаро эътироф этилган ташкилотлар **рейтингида юқори 30 талик рўйхатга кирган** олий таълим ташкилоти хулосаси асосида амалга оширилади;

(б) илмий-тадқиқот лойиҳаларига ажратилган **маблағларнинг камида 60 фоизи ушбу лойиҳа доирасида фойдаланиш учун тегишли асбоб-ускуна харид қилишга йўналтирилади**, бундан бир йиллик молиялаштириш қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 040 баробаригача бўлган лойиҳалар мустасно;

(в) илмий-тадқиқот лойиҳасини бир йиллик молиялаштириш қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **5 000 баробаридан юқори бўлган ҳолларда ушбу лойиҳа раҳбарига қуйидаги мажбуриятлар юкланади**:

(i) илмий-тадқиқот лойиҳаси умумий қийматининг камида 20 фоизини ҳамкорликда молиялаштириш мақсадида **хорижий грантларни жалб қилиш**;

(ii) илмий-тадқиқот лойиҳасини **3 нафар докторант ва 10 нафар магистрантни жалб қилган ҳолда амалга ошириш**;

(iii) илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда камида 10 нафардан иборат **тадқиқотчилар гуруҳини тузиш** ҳамда

камида Хирш индекси 20 дан юқори бўлган 1 нафар чет эллик олимни жалб қилиш;

(г) илмий-тадқиқот лойиҳалари **қўшма молиялаштириш механизми** орқали амалга оширилади. Бунда лойиҳа умумий қийматининг **60 фоизи Давлат бюджети**, қолган қисми эса бошқа манбалар ҳисобидан ажратилади.

**7.** Илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Университетда юридик шахс бўлмаган **Илмий тадқиқот инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Давлат бюджетидан белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлар;

(б) Университетда белгиланган тартибда ташкил этиладиган бир йиллик магистратура мутахассисликларида тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи. Бунда ушбу магистратура мутахассисликлари Университет кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ белгиланади;

(в) халқаро молия ташкилотларининг грантлари, саноат тармоқлари ва бошқа ташкилотлардан жалб қилинган маблағлар;

(г) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

(д) қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда жорий йил учун, истисно тариқасида, дастлабки лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида Жамғармага **20 млрд сўмгача маблағ ажратилади**.

## IV. Тиббиёт факультетини ташкил этиш

**8.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда Европа стандартлари асосида Университетда **Германия Федератив Республикасининг олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда тиббиёт факультети**ни (кейинги ўринларда – Тиббиёт факультети) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда:

(а) Тиббиёт факультетини ташкил этишда Германия Федератив Республикасининг илғор олий таълим ташкилоти стратегик ҳамкор сифатида жалб қилинади;

(б) Тиббиёт факультети таълим – амалиёт – илм-фан уйғунлигида ташкил этилади ҳамда ўз клиникаси ва тадқиқот марказига эга бўлади;

(в) Тиббиёт факультетини ташкил этиш халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан давлат кафолати остида жалб қилинадиган қарз ҳисобидан амалга оширилади;

(г) давлат кафолати остида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан маблағлар жалб қилингунига қадар Тиббиёт факультетини ташкил этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, Тиббиёт факультетининг ўқув биноси, клиникаси ва тадқиқот маркази қурилишини лойиҳалаш ишлари Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

**9.** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

(а) Тиббиёт факультетини ташкил этиш лойиҳасини 2026 йилги давлат ташқи қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар рўйхатига киритсин;

(б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Тиббиёт факультетини ташкил этиш учун қарз маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

**10.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **икки ой муддатда**:

(а) ҳамкор хорижий олий таълим ташкилотлари билан музокаралар ўтказиб, Тиббиёт факультетини ташкил этиш юзасидан узоқ муддатли келишувга эришиш чораларини кўрсин;

(б) Тиббиёт факультетини ташкил этиш лойиҳасини, шу жумладан, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси, концепциясини ишлаб чиқиш учун экспертлар гуруҳини ташкил этсин. Бунда маҳаллий ва хорижий консалтинг компаниялари жалб этилишига рухсат берилади.

## V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш

**11.** Белгилансинки, мазкур қарор ижроси учун талаб этиладиган маблағлар қуйидаги тартибда ажратилади, Тиббиёт факультетини ташкил этиш билан боғлиқ маблағлар бундан мустасно:

(а) жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида;

(б) 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги учун республика бюджетидан ажратилган харажатларда назарда тутиш орқали.

**12.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**13.** Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI * KANSELYARIYA 1 — **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 28 апрелдаги ПҚ–151-сон қарорига
1-илова

## “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини стратегик ривожлантириш кенгашининг ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Х.У. Умарова | – Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, *Ривожлантириш кенгаши раиси* |
| 2. | В.А. Ҳерман | – “Янги Ўзбекистон” университети фахрий президенти, *Ривожлантириш кенгаши раиси ўринбосари* |
| 3. | К.А. Шарипов | – Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири |
| 4. | Л.Ш. Кудратов | – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири |
| 5. | Ж.Т. Мирзамаҳмудов | – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири |
| 6. | Қ.С. Санақулов | – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори |
| 7. | А.Х. Хурсанов | – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори |
| 8. | О.Ш. Темиров | – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси |
| 9. | *Лавозими бўйича* | – “Янги Ўзбекистон” университети ректори, *Ривожлантириш кенгаши котиби* |

**Изоҳ.** *Ривожлантириш кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 28 апрелдаги ПҚ–151-сон қарорига
2-илова

**“Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини стратегик ривожлантириш бўйича**
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | “Янги Ўзбекистон” университети фаолиятини стратегик ривожлантириш кенгаши (кейинги ўринларда – Ривожлантириш кенгаши) фаолиятини ташкил этиш. | 1. Ривожлантириш кенгаши низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Ривожлантириш кенгаши низомини тасдиқлаш. | 2025 йил декабрь | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Умарова)* |
| 2. | “Янги Ўзбекистон” университети (кейинги ўринларда – Университет) ҳузурида Илғор билим ва тажрибалар трансфери марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш. | 1. Марказ уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Марказни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.<br>3. Марказ тузилмасини шакллантириш ва тасдиқлаш.<br>4. Марказни катта тажрибага эга ва юқори салоҳиятли ходимлар билан тўлдириш. | 2025 йил июнь<br>2025 йил июль<br>2025 йил август<br>2025 йил декабрь | Университет маблағлари | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Умарова)*,<br>Адлия вазирлиги *(Ташкулов)* |
| 3. | Университетда Тиббиёт факультетини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. Ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан музокаралар ўтказиш. | 2025 йил сентябрь | Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Умарова)* |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| | | 2. Ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан Тиббиёт факультетини ташкил этиш юзасидан узоқ муддатли келишув имзолаш.<br>3. Махсус ишчи гуруҳ (маъмурий, ўқув, техник, қурилиш йўналишларида) тузиш ва таркибини тасдиқлаш.<br>4. Тиббиёт факультетини ташкил этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш.<br>5. Тиббиёт факультетининг ўқув биноси, клиникаси ва тадқиқот маркази қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. | 2025 йил октябрь<br>2025 йил июль<br>2025–2027 йиллар | қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва давлат кафолати остида жалб қилинадиган қарз маблағлари | |
| 4. | Тиббиёт факультетида таълим жараёнини ташкил этиш. | 1. Фанларнинг ўқув дастурини (силлабусни) яратиш.<br>2. Тиббиёт факультетига талабаларни қабул қилиш.<br>3. Таълим дастурини нуфузли халқаро ташкилотларда аккредитациядан ўтказиш. | 2026 йил май<br>2026/2027 ўқув йилидан<br>2034 йил сентябрь | Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва давлат кафолати остида жалб | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Умарова)* |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | қилинадиган қарз маблағлари | |
| 5. | Университетда техника ва тиббиёт соҳаларидаги илмий-тадқиқот лойиҳаларини грант асосида молиялаштиришнинг янги механизмини жорий этиш. | 1. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳалари параметрларини тасдиқлаш.<br>3. Дастлабки илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун Илмий тадқиқот инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига 20 млрд сўмгача маблағ ажратиш.<br>4. Илмий-тадқиқот лойиҳаларини қўшма молиялаштириш механизмини амалга ошириш учун зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш.<br>5. Илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуларини шакллантириш ва тегишли тармоқ ташкилотлари билан келишиш. | 2025 йил июнь<br>Ҳар йили май ойида<br>2025 йил август<br>Ҳар йили декабрь<br>Доимий | Университет қошидаги Илмий тадқиқот инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги *(Умарова)* |
| 6. | Илмий унвонлар ва илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар тузиш. | 1. Юқори малакали маҳаллий ва хорижий профессор- | 2025 йил июль | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш ва натижаларга эришиш механизмлари | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўқитувчилар ҳамда олимлар таркибини шакллантириш.<br>2. Илмий унвонлар ва илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар таркибини тасдиқлаш.<br>3. Тегишли ихтисосликларда илмий унвон ва илмий даражаларни бериш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш. | <br>2025 йил июль<br>2025 йил август | | *(Умарова)* |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI * KANSELYARIYA 1

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING**
**QARORI**

2025 yil «28» апреля №ПП–151

## О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Университета «Новый Узбекистан»

В целях привлечения одаренной молодежи к процессам проведения передовых научных исследований в ключевых отраслях промышленности, повышения эффективности экспорта и производства промышленной продукции на основе научного и инновационного подхода путем совершенствования деятельности Университета «Новый Узбекистан» **постановляю**:

### I. Основные цели

**1.** Определить основными целями принятия настоящего постановления:

(а) формирование научных школ талантливой молодежи и профессоров-преподавателей с высоким потенциалом;

(б) реализацию научных проектов, направленных на повышение эффективности экспорта и производства в промышленности, снижение себестоимости на основе научного и инновационного подхода;

(в) создание научных лабораторий мирового уровня и оснащение их современным оборудованием;

(г) обеспечение взаимосвязи образования, практики и научно-исследовательской деятельности в области медицины на основе международных стандартов и передового опыта, подготовку конкурентоспособных и высококвалифицированных специалистов для отрасли.

## II. Совершенствование деятельности Университета «Новый Узбекистан»

**2.** Согласиться с предложениями Министерства дошкольного и школьного образования и Министерства высшего образования, науки и инноваций, предусматривающими:

(а) формирование современной научно-лабораторной базы Университета «Новый Узбекистан» (далее – Университет), оснащение ее передовым технологическим оборудованием, расширение **научных исследований, направленных на развитие инженерно-технических направлений, искусственного интеллекта, нанотехнологий, «зеленой» экономики и медицины**, а также создание эффективной системы их трансфера;

(б) налаживание в Университете **системы подготовки кадров с прочными знаниями** в приоритетных отраслях экономики и социальной жизни страны и **организации научно-исследовательской деятельности**, ориентированной на высокую эффективность, на основе передового опыта путем объединения всех ресурсов, включая интеллектуальные и финансовые возможности;

(в) создание при Университете **Центра трансфера передовых знаний и опыта** со статусом юридического лица с целью поэтапного внедрения в другие высшие образовательные организации республики современных образовательных технологий и систем управления высшими образовательными организациями, прошедших процесс апробации и успешно внедренных.

**3.** Создать Совет стратегического развития деятельности Университета «Новый Узбекистан» (далее – Совет развития) в составе **согласно приложению № 1**.

Установить, что основными задачами Совета развития являются определение стратегических направлений и целей развития Университета, а также обеспечение соответствия его деятельности международным стандартам.

**4.** Определить, что:

(а) Университету предоставляются следующие права:

(i) создание научных советов по присуждению ученых званий и ученых степеней, и утверждение их составов;

(ii) присуждение ученых званий и ученых степеней по соответствующим специальностям, а также утверждение порядка научного руководства докторантами и самостоятельными соискателями;

(б) **начиная с 2025/2026 учебного года** для студентов специальностей магистратуры Университета вводится порядок выделения государственных грантов, установленный постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 июня 2022 года № 300 для этапа образования бакалавриат;

(в) **до 1 декабря 2027 года** освободить от уплаты таможенных платежей (за исключением налога на добавленную стоимость, акцизного налога и сборов за таможенное оформление) ввозимые для Университета оборудование, программные и технические средства, а также комплектующие, аналоги которых не производятся в Узбекистане.

**5.** Утвердить «Дорожную карту» стратегического развития деятельности Университета «Новый Узбекистан» **согласно приложению № 2.**

## III. Внедрение новых механизмов реализации научно-исследовательских проектов

**6.** Установить порядок, в соответствии с которым **в Университете внедряется новый механизм финансирования на грантовой основе научно-исследовательских проектов** в области техники и медицины. При этом:

(а) если годовая сумма финансирования научно-исследовательского проекта **превышает 2 500-кратный размер базовой расчетной величины**, финансирование такого проекта осуществляется на основании заключения высшей образовательной организации, **входящей в топ-30** рейтинга международно-признанных организаций;

(б) **не менее 60 процентов средств,** выделенных для научно-исследовательских проектов, **направляется на приобретение соответствующего оборудования для использования в рамках данного проекта**, за исключением проектов, годовая сумма финансирования которых не превышает 1 040-кратного размера базовой расчетной величины;

(в) если годовая сумма финансирования научно-исследовательского проекта **превышает 5 000-кратный размер базовой расчетной величины, на руководителя проекта возлагаются следующие обязанности:**

(i) **привлечение зарубежных грантов** в целях совместного финансирования не менее 20 процентов общей стоимости научно-исследовательского проекта;

(ii) реализация научно-исследовательского проекта с привлечением **3 докторантов и 10 магистрантов**;

(iii) **формирование** при реализации научно-исследовательского проекта **группы исследователей** из числа не менее 10 человек, а также привлечение как минимум одного иностранного ученого с индексом Хирша выше 20;

(г) научно-исследовательские проекты реализуются на основе **механизма совместного финансирования**. При этом **60 процентов** от общей стоимости проекта покрывается за счет **Государственного бюджета**, а остальная часть – за счет иных источников.

**7.** В целях финансирования научно-исследовательских проектов создать в Университете **Фонд развития научно-исследовательской инфраструктуры** (далее – Фонд) без статуса юридического лица и определить источниками формирования его средств:

(а) средства, выделяемые из Государственного бюджета в установленном порядке;

(б) 50 процентов средств, поступающих от обучения на основе платного контракта по одногодичным специальностям магистратуры, организуемым в установленном порядке

в Университете. При этом указанные специальности магистратуры определяются на основании решений Наблюдательного совета Университета;

(в) гранты международных финансовых организаций, средства, привлеченные из промышленных отраслей и других организаций;

(г) благотворительные пожертвования физических и юридических лиц;

(д) иные источники, не запрещенные актами законодательства.

При этом в текущем году в порядке исключения с целью ускорения реализации первых проектов Фонду в рамках средств, выделенных Министерству дошкольного и школьного образования, будет направлено **до 20 миллиардов сумов.**

**IV. Создание медицинского факультета**

**8.** Согласиться с предложением Министерства дошкольного и школьного образования, Министерства высшего образования, науки и инноваций, Министерства здравоохранения, Министерства экономики и финансов о создании **медицинского факультета** в Университете (далее – Медицинский факультет) **в сотрудничестве с высшими образовательными организациями Федеративной Республики Германия** на основе европейских стандартов с привлечением зарубежных специалистов. При этом:

(а) в качестве стратегического партнера при создании Медицинского факультета привлекается ведущая высшая образовательная организация Федеративной Республики Германия;

(б) Медицинский факультет будет создан на основе интеграции «образование – практика – наука» и будет обладать собственной клиникой и научно-исследовательским центром;

(в) создание Медицинского факультета будет осуществляться за счет заемных средств, привлекаемых под государственную гарантию от международных финансовых институтов и зарубежных правительственных финансовых организаций;

(г) до привлечения средств от международных финансовых институтов и зарубежных правительственных финансовых организаций под государственную гарантию работы по разработке технико-экономического обоснования проекта создания Медицинского факультета, проектированию учебного корпуса, клиники и исследовательского центра Медицинского факультета осуществляются за счет Фонда поддержки одаренной молодежи при Агентстве специализированных образовательных учреждений.

**9.** Министерству инвестиций, промышленности и торговли:

(а) включить проект создания Медицинского факультета в перечень проектов, подлежащих финансированию за счет государственного внешнего долга в 2026 году;

(б) совместно с Министерством дошкольного и школьного образования и Министерством здравоохранения принять меры по привлечению заемных средств для создания Медицинского факультета.

**10.** Министерству дошкольного и школьного образования **в двухмесячный срок**:

(а) провести переговоры с партнерскими зарубежными высшими образовательными организациями и принять меры по достижению долгосрочного соглашения о создании Медицинского факультета;

(б) сформировать экспертную группу для разработки проекта создания Медицинского факультета, в том числе технико-экономического обоснования и концепции проекта. При этом разрешается привлечение отечественных и зарубежных консалтинговых компаний.

## V. Организация, обеспечение и контроль исполнения постановления

**11.** Установить, что средства, необходимые для исполнения настоящего постановления, за исключением средств, связанных с созданием Медицинского факультета, выделяются в следующем порядке:

(а) в текущем году – в пределах средств, выделяемых Министерству дошкольного и школьного образования из республиканского бюджета Республики Узбекистан в качестве распределителя бюджетных средств первого уровня;

(б) начиная с 2026 года – посредством ежегодного предусмотрения в параметрах Государственного бюджета в части расходов, выделяемых из республиканского бюджета для Министерства дошкольного и школьного образования.

**12.** Министерству дошкольного и школьного образования совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в трехмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

**13.** Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

---

Приложения приводятся на узбекском языке.